

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирнинг ўринбосари



X. Мелиев
_____ Х. Мелиев

2020 йил “10” март

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини
ошириш маркази директори



А. Рахматов
_____ А. Рахматов

2020 йил “10” март

“Давлат бошқарув органлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар бошқа ташкилотлар юридик хизмати ходимларининг (юрисконсултлар) малакасини ошириш” курси бўйича

ЎҚУВ ДАСТУРИ

(малака ошириш)

ТОШКЕНТ

*Ўқув дастури Юристлар малакасини ошириш маркази
Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2020 йил
9 мартдаги йиғилишида муҳокама қилинган
ва маъқулланган (3-сонли баённома).*

Ўқув дастури Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2020 йил 24 январдаги 05-1113-сон Қарори билан жорий этилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари”га асосланиб тайёрланган.

Тузувчилар: **А. Рахматов** - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази директори;

Ф.Отахонов – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорат арбитраж судининг раиси, ю.ф.д., проф.в.б.;

Ш. Хасанов – Юристлар малакасини ошириш маркази Фан, инновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи.

Такризчилар: **А. Отажонов** – Юристлар малакасини ошириш маркази директорининг биринчи ўринбосари, ю.ф.д., профессор;

Ҳ. Махмудов – Ўзбекистон Республикаси Ҳакамлик судлари ассоциацияси раиси.

СЎЗ БОШИ

Ўқув курсининг долзарблиги. Юридик хизмат ходимларини қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши, юридик хизматлар фаолиятининг асосий касбий йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларга, шунингдек соҳага оид психологик билимларга эга бўлишига замин яратади.

Ўқув курсининг мақсади тингловчиларга юридик хизмат ходимларининг касбий фаолиятига оид қонунлардаги янгиликлар ва уларни такомиллаштириш истиқболлари ҳақида назарий билимлар бериш ҳамда касбий кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштириш ҳисбланади.

Тингловчилар **контингенти** – ўқув дастури давлат бошқарув органлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар бошқа ташкилотлар юридик хизмати ходимларининг (юрисконсултлари) малакасини оширишга мўлжалланган.

Дастлабки талаблар: тингловчилар олий юридик маълумотга эга бўлиши зарур.

Ўқув курсининг ҳажми: малакаси оширишнинг муддати қаида 2 икки ҳафта (72 соат) этиб белгиланади ва ишдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда амалга оширилади.

Ўқитиш шакли: тўғридан-тўғри малака ошириш ёки масофавий таълим.

ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ТИНГЛОВЧИГА БЕЛГИЛАНДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Умумий малака талаблари:

Конституция ва қонунларимизда белгиланган инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига риоя қилиш маҳорати;

ҳуқуқ нормаларини тўғри тушуниш, уни адолат принциплари асосида қўллай билиш маҳорати;

ҳуқуқий маданият савияси ва ҳуқуқий тарбия маҳорати кўникмаси;

юридик фаолият жараёнида ишни адолатли ҳал қилиш, инсонийлик ва қонунийлик омилларини таъминлайдиган бошқа фазилат ҳамда шахсий сифатлар;

юридик муаммоларни ҳолислик билан ҳал қилиш ва баҳолаш маҳорати.

Касбий малака талаблари:

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш;

шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, давлат органлари ва ташкилотларининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилишини таъминлашга **оид билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.**

ИЗОҲ ХАТИ

Дастур мазмунининг янгилиги. Ўқув дастури Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2020 йил 24 январдаги 05-1113-сон Қарори билан жорий этилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари”га асосланиб тайёрланган.

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сонли қарори билан тасдиқланган “Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида Низом”да белгиланган талабларга мос келади.

Ўқув дастури мазмунини белгилаш тамойиллари. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ходимлари ҳуқуқий маданиятини ошириш.

Қонунчиликдаги янгиликлар ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг долзарб масалалари буюртмачи ташкилот билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган Ишчи ўқув дастури орқали ўқув жараёнига татбиқ қилинади.

Ўқув курсининг умумий ва ўқув ишлари тури бўйича ҳажми: ўқув курсини ўрганиш учун 72 соат ажратилган. Аудитория машғулоти: маъруза – 22 соат, семинар – 22 соат, амалий машғулотларга – 22 ва яқуний синовлар учун 6 соат ажратилган.

**“Давлат бошқарув органлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар бошқа ташкилотлар юридик хизмати ходимларининг (юрисконсултлари) малакасини ошириш” ўқув курси
МАВЗУЛАР РЕЖАСИ**

№	Модуль ва мавзулар номи	Машғулотларга ажратилган соатлар			
		Маъруза	Семинар	Амалий машғулот	Жами
1-модуль. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг устувор йўналишлари ва уларни амалга оширишда юридик хизматнинг роли					
1.	Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари	2	-	-	2
2.	2020 йил – «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури» ижросини таъминлаш масалалари	2	-	-	2
3.	Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти	2	-	-	2
4.	Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари	2	-	-	2
5.	Юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган низомлар ва бошқа ҳужжатларни амалиётда қўллаш масалалари	-	2	-	2
2-модуль. Янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти					
6.	Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг мазмун ва моҳияти	2	-	-	2
7.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4505-сон Қарорининг мазмун ва моҳияти	2	-	-	2
8.	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари	2	-	-	2
9.	Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмуни ва моҳияти	-	2	-	2
10.	Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг мазмуни ва моҳияти	-	2	-	2
11.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармонининг мазмуни ва моҳияти	2	-	-	2

3-модуль. Норма ижодкорлиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, қонунчиликка мувофиқлиги устидаги назоратни амалга ошириш асослари					
12.	Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти	2	-	-	2
13.	Қонунчилик техникаси ва уни амалга ошириш усуллари	-	2	-	2
14.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, манфаатдор идоралар билан келишиш амалиёти	-	-	2	2
15.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, эълон қилиш, ижросини ташкил этиш ва расмий шарҳлаш	-	-	2	2
16.	Юридик хизмат томонидан давлат органларининг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш масалалари	-	-	2	2
17.	Юридик хизмат томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини амалга оширилиши	-	2	-	2
18.	Юридик хизматнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, расмийлаштиришда иштироки ва уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш масалалари	-	-	2	2
4-модуль. Давлат органлари ва ташкилоти ходимларининг ҳуқуқий маданияти ошириш ҳамда меҳнат муносабатлари масалалари					
19.	Юридик хизматнинг давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва аҳамиятини етказишдаги иштироки	-	2	-	2
20.	Меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби	-	-	4	4
21.	Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга доир қонунчиликни такомиллаштиришда юридик хизматнинг роли	-	2	-	2
5-модуль. Шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, давлат органи ва ташкилотининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш масалалари					
22.	Юридик хизматнинг шартномавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил этишдаги роли	-	-	2	2
23.	Юридик хизмат томонидан мулкни сақлаш бўйича ҳуқуқий таъминлаш ишларини ташкил қилиш	-	-	2	2
24.	Юридик хизматнинг низоларни муқобил ҳал этиш бўйича чоралар кўришдаги роли	2	-	-	2
25.	Юридик хизмат томонидан даъво ишларини олиб бориш ва давлат органи ва ташкилотининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш	-	2	-	2
6-модуль. Юридик хизматлар фаолиятида халқаро-ҳуқуқий стандартлар					
26.	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий механизмлар	2	-	-	2
27.	Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари	-	2	-	2
28.	Халқаро шартномаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий	-	2	-	2

	тизимдаги аҳамияти				
7-модуль. Юрисконсултлар этикаси ва уларнинг касбий фаолияти психологияси					
29.	Жамият этикаси ва ахлоқий чегаралар. Муомала маданиятининг асосий жиҳатлари	-	2	-	2
30.	Юрисконсултлар касбий фаолиятининг психологик асослари	-	-	2	
31.	Юрисконсултлар касбий фаолияти психологияси	-	-	2	2
32.	Юрисконсултлар касбий фаолияти мотивацияси	-	-	2	2
	Якуний синов	-	-	-	6
	Ж А М И:	22	22	22	72

ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ МАЗМУНИ

1-МОДУЛЬ. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ РОЛИ

1-мавзу. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари

Мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш. Маъмурий ислохотлар. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ислоҳ қилиш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти. Ўзбекистон Республикасида адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон манфаатларини рўёбга чиқаришга оид қарашлари ва ташаббусларининг ҳуқуқий асослари.

2-мавзу. 2020 йил – «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлан-тириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури» ижросини таъминлаш масалалари

Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш йўналиши. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш йўналиши. Иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш йўналиши. Ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналиши.

3-мавзу. Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотлари. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича аниқ, мақсадга йўналтирилган тизимли ишлар. Ўзбекистонда суд тизимининг ислоҳ қилиниши. Шахс ҳуқуқ ва манфаатларининг олий қадрият тамойили. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси асосида Судьяларнинг малака хайъатлари фаолиятини демократик тарзда ташкил этиш, уларнинг ҳолислиги ва беғаразлигини таъминлаш.

4-мавзу. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фармонлари ва қарорлари ва уларнинг мазмун моҳияти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталарининг ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги коррупцияга қарши курашишга оид жиноятлар турлари, уларнинг таърифи ва судда кўриш амалиётининг долзарб масалалари.

5-мавзу. Юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган низомлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш масалалари

Юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг тарихий ривожланиши. Юридик хизмат тўғрисидаги низомлар (1933, 1963, 1993, 2007 ва 2017-йиллар). Юридик хизмат фаолиятига тааллуқли қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Адлия вазирининг буйруқлари. Юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи локал ҳужжатлар – низомлар ва мансаб йўриқномалари. Юридик хизмат фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллашда юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари.

2-МОДУЛЬ. ЯНГИ ҚОНУНЛАР ВА АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА КИРИТИЛГАН ЯНГИЛИКЛАР, ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

6-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг мазмун-моҳияти

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунининг мақсади, асосий вазифалари ва маъмурий тартиб-таомилларнинг принциплари. Маъмурий тартиб-таомилларнинг умумий қоидалари. Маъмурий иш юритиш. Маъмурий ҳужжат. Маъмурий шикоят бўйича иш юритиш. Ижро ишини юритиш. Маъмурий регламентлар ва маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

7-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4505-сон қарорининг мазмун ва моҳияти

Ҳуқуқий мониторинг тушунчаси ва асосий вазифалари. Ҳуқуқий мониторинг объекти. Ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи субъектлар. Ҳуқуқий мониторинг ўтказишни ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда давлат бошқаруви органларининг юридик хизматларининг роли. Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш босқичлари: мониторинг режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби; ҳуқуқий мониторингни ўтказиш тартиби; ҳуқуқий мониторинг ўтказилишини назорат қилиш; ҳуқуқий мониторинг натижалари бўйича якуний маълумот тайёрлаш.

Хукукий мониторинг натижалари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш якунлари бўйича чора-тадбирлар.

8-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мақсади ва вазифалари. Ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини мувозанатлаш ва уйғунлаштириш. Индивидуал меҳнат ва улар билан бевосита боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш. Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва эркинликлари, шу жумладан меҳнат қилиш ҳуқуқи, иш танлаш эркинлиги, адолатли меҳнат шароитлари ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқларининг давлат қафолатлари ўрнатиш. Иш берувчиларнинг самарали меҳнат жараёнини танлаш, жойлаштириш ва ташкил этиш ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминлаш. Меҳнат соҳасида ижтимоий шерикчиликни рағбатлантириш ва ривожлантириш. Ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш.

9-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмуни ва моҳияти

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар. Уларнинг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари вазифаларини, яъни инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилиши, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдаги аҳамияти. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.

10-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг мазмуни ва моҳияти

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. Ижро этиш органлари. Ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойи ва вақти, ижрога топшириш муддатлари ва уларнинг узилиши. Мажбурий ижро этиш муддатлари. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш ва тамомлаш. Ижро ҳужжати ижро этмаганлик учун жавобгарлик. Давлат ижрочисининг мақоми.

11-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармонининг мазмуни ва моҳияти

Давлат фукаролик хизмати. Давлат фукаролик хизмати лавозимлари реестри. давлат фукаролик хизматига очик мустакил танлов асосида қабул қилиш тартиби. Давлат фукаролик хизматини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари. Меритократия, меритократия механизмлари, меритократия тамойилининг мақсади. Карьера модели ва унинг турлари. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг асосий вазифалари.

3-МОДУЛЬ. НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ВА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚОНУНЧИЛИККА МУВОФИҚЛИГИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ АСОСЛАРИ

12-мавзу. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг мазмуни, моҳияти, тизими ва устувор йўналишлари. Норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш. Тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини, уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти. Норма ижодкорлигида "ақлли тартибга солиш" модели элементларини қўллаш. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатларни амалиётда қўллаш масалалари.

13-мавзу. Қонунчилик техникаси ва уни амалга ошириш усуллари.

Қонунчилик тизими ва юридик техникани такомиллаштириш муаммолари. Қонунчилик техникаси юридик техниканинг таркибий қисми сифатида. Қонунчилик техникасининг усуллари. Юридик хизмат ходимларининг қонун хужжатлари лойиҳаларини яратиш ва экспертиза ўтказишда ёзма, мантикий қўникмаларини шакллантириш йўллари. Юридик тил ва имловий меъёрни қўллаш.

14-мавзу. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, манфаатдор идоралар билан келишиш амалиёти.

Норматив-ҳуқуқий хужжат тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини тайёрлаш босқичлари ва жараёнлари. Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳасининг экспертизаси тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётининг мазмун-моҳияти. Ҳуқуқий экспертизани ўтказиш тартиби. Ҳуқуқий экспертиза ҳулосасини тайёрлаш ва уни қўриб чиқиш. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини келишиш тартиби. Норматив-ҳуқуқий хужжатларни қўриб чиқиш учун киритиш тартиби.

15-мавзу. Норматив-ҳуқуқий хужжатларни қабул қилиш, эълон қилиш, ижросини ташкил этиш ва расмий шарҳлаш

Норматив-ҳуқуқий хужжатга мазмунига қўйиладиган талаблар, унинг реквизитлари, расмий матнини тасдиқлаш. Вазирликлар, давлат қўмиталари

ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш, уларнинг кучга кириши ва амал қилиши. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш.

16-мавзу. Юридик хизмат томонидан давлат органларининг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш масалалари

Давлат органи ва ташкилотида, шунингдек тегишли тузилмаларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритиш. Юридик тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари юзасидан ҳулосалар бериш. Юридик тусдаги ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлаш. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш. Давлат органи, тегишли тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, таклифлар ва шикоятларни кўриб чиқишда иштирок этиш.

17-мавзу. Юридик хизмат томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини амалга оширилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тушунчаси, вазифалари ва тамойиллари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва коррупцияга қарши курашга оид халқаро ҳужжатларда коррупциявий омиллар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”ги 384-мқ-сонли буйруғи. Коррупцияга қарши экспертиза ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ҳулосаси. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш учун асослар.

18-мавзу. Юридик хизматнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, расмийлаштиришда иштироки ва уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш масалалари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрлашни ташкиллаштириш, унинг матнига ва тузилишига қўйиладиган талаблар. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати ходими томонидан лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш. Лойиҳани манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан қилишиш. Лойиҳани

худудий адлия органида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби, амалиёти ва муаммолари.

4-МОДУЛЬ. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ОШИРИШ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ МАСАЛАЛАРИ

19-мавзу. Юридик хизматнинг давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва аҳамиятини етказишдаги иштироки

Ҳуқуқий маданият тушунчаси ва моҳияти. Давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда юридик хизмат томонидан фойдаланиладиган ҳуқуқий тарбия шакллари: ҳуқуқий таълим; ҳуқуқий тарғибот; қонунлар ва юридик амалиётнинг тарбиявий таъсири; ҳуқуқий ташвиқот; ҳуқуқий ахборот бериш; шахсий ҳуқуқий тарбиявий иш. Давлат органи ва ташкилоти фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишлари амалга ошириш, қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш. Давлат органи ва ташкилоти веб-сайтига жойлаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун ва аҳамияти тўғрисида маълумотларни тайёрлаш. Қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотлар, суд амалиёти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ишларга тааллуқли кўрсатмаларини давлат органи ва ташкилоти тизимида қирадиган тузилмаларга етказиш.

20-мавзу. Меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

Меҳнат шартномасининг тушунчаси, шакли, мазмуни, кучга кириши ва ишнинг бошланиш куни. Меҳнат шартномасининг муддати. Ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатлар. Ишга қабул қилишни расмийлаштириш тартиби. Меҳнат шартларини белгилаш ва ўзгартиришнинг умумий тартиби. Иш берувчининг ходим розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи. Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи. Бошқа ишга ўтказиш тартиби. Меҳнат шартномасини ўзгартиришни расмийлаштириш. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари. Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб олиш.

21-мавзу. Юридик хизматининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги роли

Юридик хизматнинг меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар – жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, мукофотлаш ва рағбатлантиришлар тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқишда иштироки. Юридик хизмат томонидан меҳнат муносабатларига оид буйруқлар,

меҳнат шартномалари ва ҳукукий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини таъминлаш. Меҳнат интизоми тушунчаси. Интизомий жавобгарлик. Юридик хизматнинг меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ходимларга нисбатан интизомий ва моддий жавобгарлик чораларини тўғри қўллашдаги роли. Давлат органи ва ташкилоти ходимларининг касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик органларига ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатиш.

5-МОДУЛЬ. ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТАЛАБНОМА-ДАЪВО ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ, ДАВЛАТ ОРГАНИ ВА ТАШКИЛОТИНИНГ МУЛКИЙ ВА БОШҚА МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

22-мавзу. Юридик хизматнинг шартномавий муносабатларни ҳукукий жиҳатдан таъминланишини ташкил этишдаги роли

Юридик хизмат томонидан шартномалар лойиҳалари ва улар билан боғлиқ ҳукукий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текшириш ва ҳукукий ҳулоса бериш тартиби. Шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш. Давлат органи ва ташкилоти томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш ва шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этиш.

23-мавзу. Юридик хизмат томонидан мулкни сақлаш бўйича ҳукукий таъминлаш ишларини ташкил қилиш

Юридик хизмат томонидан мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳукукий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш ва уларни тайёрлашда иштирок этиш тартиби. Давлат органи ва ташкилотида мулкнинг талон-торож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўришда юридик хизмат иштироқи. Моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳукукий ҳулосалар бериш тартиби. Юридик хизмат томонидан мулкнинг талон-торож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштириш.

24-мавзу. Юридик хизматнинг низоларни муқобил ҳал этиш бўйича чоралар кўришдаги роли

Низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари: музокаралар, талабнома юбориш, медиация ва ҳакамлик муҳокамаси. Юридик хизматнинг давлат органи ва ташкилотининг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича музокаралар ўтказишда, талабномалар тайёрлашда ва унга нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда иштирок этиши ва назорат қилиши. Низоларни ҳал қилишда медиаторларга мурожаат қилиш ва медиатив битим тузиш тартиби. Ҳакамлик

судларига даъво аризалари тақдим қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари.

25-мавзу. Юридик хизмат томонидан даъво ишларини олиб бориш ва давлат органи ва ташкилотининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш

